

ШАРТНОМА

20 2 Июл 01 " 01

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси  
Тошкент бошқармаси, кейинги ўринларда "Инкассация хизмати" деб аталувчи,  
 (бошқарма номи)  
 Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Каримов И бир тарафдан ва  
 (фамилия, исми, шарифи)  
АТИБ Ишоннома банк ш.б.б.б. кейинги ўринларда "Банк" деб аталувчи  
 (банк номи) (устав, ширм ва х.к.)  
 асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи тарафдан ҳамда  
 (дастима, фамилияси, исми шарифи)  
Шажар Ҳасанов Дисланов кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб  
 аталувчи (ҳуқуқ субъекти номи)  
Ишдан асосида иш юритувчи Бош Ишқор Муҳибдинов УМ  
 (устав, ширм ва х.к.) (дастима, фамилияси, исми шарифи)

учинчи тарафдан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. "Инкассация хизмати" ўз кучи ҳамда воситалари билан, "Буюртмачи" билан келишган кунларда ва соатларда пул тушумини йиғади. "Буюртмачи"лар рўйхатлари, пул тушумлари йиғиладиган кунлар ва соатлар кўрсатилган катнов жадваллари "Банк" билан "Инкассация хизмати" ўртасида келишиб тузилади. "Банк" инкассаторлардан нақд пулни қабул қилиб олади ва ўз вақтида "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига ўтказилади. "Буюртмачи" эса, "Инкассация хизмати" томонидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада кўзда тутилган миқдорларда ва муддатларда ҳақ тўлайди.

1.2. "Инкассация хизмати" томонидан "Буюртмачи"нинг пул тушумини йиғиш ишлари ҳафтанинг яқшанба ва байрам кунларидан ташқари амалга оширилади. Пул тушумини яқшанба ва байрам кунлари йиғиш ишлари "Буюртмачи"нинг алоҳида буюртмасига асосан амалга оширилиши мумкин.

**2. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

**2.1. "Инкассация хизмати"нинг мажбуриятлари:**

- "Буюртмачи"нинг нақд пул тушумларини маъмур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган кунлари инкассация қилинишини таъминлайди;
- ўз кучи ва техник воситаси билан "Буюртмачи"нинг куника нақд пул тушумини йиғади ҳамда "Банк"ка бутангини ва дахлсизлигини таъминлаган ҳолда олиб бориб топширади;
- "Буюртмачи" томонидан 71 244-04-88 телефон рақами орқали берилган буюртмаларни алоҳида юритилган китобда қайд этади ва "Буюртмачи"нинг пул тушумини буюртмада кўрсатилган кунлари ўз вақтида инкассация қилинишини таъминлайди;
- "Буюртмачи"нинг маъсул вақилига нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)ларини топшириш тартибини ўргатади;
- "Инкассация хизмати"нинг инкассаторлари томонидан нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)ларида ташқи шикастланмишлар (ямоқлар, чоклари сўқилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари) мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар мавжуд бўлганда қабул қилинмайди. Инкассатор сумка (коп)лари ва илова ҳужжатларидаги камчиликлар биртараф этилгандан кейингина улар қабул қилинади.

**2.2. "Банк"нинг мажбуриятлари:**

- "Инкассация хизмати" инкассаторлари йўналишлардан йиғиб келган нақд пул тушумлари солинган ва бўш инкассатор сумка (коп)ларини олиб келинган захоти қабул қилиб олиншини таъминлайди;
- пул тушумидан бўшаган инкассатор сумка (коп)ларини банк бўлимида алоҳида хонада ёки металл шкафларда сақлашни хамда "Инкассация хизмати"нинг инкассаторларига йўналишга чиқишдан бир соат олдин топширилишини таъминлайди;
- "Инкассация хизмати"нинг инкассаторларидан қабул қилиб олинган нақд пулларни санаб, саралаб, ўз вақтида "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради;
- банк ходимлари нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)ларида ташқи шикастланмишлар (ямоқлар, чоклари сўқилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар) аниқланганда, пул тушумини инкассаторлар иштирокида қайта санаб ва белгиланган тартибда расмийлаштириш йўли билан қабул қилади;
- ҳар ойнинг 5-санасигача "Буюртмачи"нинг ўтган ойдаги инкассация хизмати орқали топширган нақд пул тушуми тўғрисида маълумотларни тасдиқланган ҳамда электрон шаклларда "Инкассация хизмати"га тақдим этади.

**2.3. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

- куника нақд пул тушумини \_\_\_\_\_

(даврилийги) бўлишига ёки ҳафта кунлари кўрсатилади)

Ишқор

“Инкассация хизмати” инкассаторларига топширилишини таъминлайди (бунда “Буюртмачи” бир кун олдин буюртма берган ҳолда бошқа кунлари ҳам “Инкассация хизмати” орқали кунлик пул тушумларини топшириш ҳуқуқини саклаб қолади);

- нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)ларини ўз вақтида ва белгиланган тартибда инкассаторларга топширилишига масъулдир;

- “Буюртмачи” томонидан қўшимча равишда пул тушумини топшириш зарурати тутилганда “Инкассация хизмати”нинг 71 244-04-88 навбатчи телефон рақами орқали корхона номини ва манзилини, буюртма берувчининг исми, шарифи ва телефон рақамини билдирган ҳолда буюртма беради;

- инкассаторлар пул тушумини олишга бориши учун йўллар ва юриш йўлаклари бўш бўлишини таъминлайди, шунингдек, пул тушумини қабул қилинган учун шартларни яратиб беради ва нақд пул солинган инкассатор сумка (коп)ларини инкассаторлар келишидан 15 даққа аввал тайёрлаб қўяди;

- “Инкассация хизмати” инкассаторлари пул тушумини инкассация қилиш учун шохобчага келганларида пул тайёр бўлмаслик ёки пул солинган инкассатор сумкаси (копи)да инкастланган шилар, илова ҳужжатларида камчиликлар аниқланганда пул тушуми солинган сумка (коп) қабул қилинмайди. Камчиликлар жойида бартараф қилинган тақдирда пул тушуми солинган сумка (коп) инкассация қилинади. Агар камчиликларни бартараф қилишга кўпроқ вақт талаб қилинса, инкассаторларнинг қайта катновида инкассация қилиниши мумкин. Бунда қайта катнов учун шартноманинг 3.1. бандини 5 устунига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади;

- “Инкассация хизмати” таърифини вақтинчалик тўхтатиш ёки тиклаш лозим бўлганда “Инкассация хизмати”ни ва “Банк”ни олдиндан ёзма равишда огоҳ этади;

- инкассатордан фотосурати бўлган хизмат гувоҳномасини ва пул тушумини қабул қилиш ваколатини берувчи Ишончномасини кўрсатишини, нақд пул тушуми солинган инкассатор сумкаси (коп)нинг қилтанциясига халта рақамини ва сана қайда этишини, имзо чекиб, йўналиш рақами кўрсатилган муҳрни босиб беришини талаб қилади.

### 3. Инкассация хизмати учун ҳақ тўлаш.

3.1. Пул тушумини йиғиш хизматлари учун “Буюртмачи” “Инкассация хизмати”га ўтган ойда инкассация қилинган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб, қуйида кўрсатилган тарифлардан бирини танлаш йўли билан ҳақ тўлайди:

№	Ой давомида инкассация қилинадиган нақд пул тушуми миқдори	Фонд тарифи * (бир ойлик инкассация қилинган пулга нисбатан)	Катъий нарх тарифи ** (бир ойлик абонент тўлови)	Катновлар тарифи*** (бир катнов нархи)	Бир ойлик чекланган катновлар сони ****
1	2	3	4	5	6
1	1 сўмдан - 1 млн. сўмгача	7,5 %	60 000	20 000	3
2	1 млн. сўмдан - 3 млн. сўмгача	6 %	80 000	22 000	4
3	3 млн. сўмдан - 5 млн. сўмгача	2,66 %	100 000	25 000	4
4	5 млн. сўмдан - 10 млн. сўмгача	2 %	175 000	27 000	10
5	10 млн. сўмдан - 20 млн. сўмгача	1,75 %	250 000	29 000	10
6	20 млн. сўмдан - 50 млн. сўмгача	1,25 %	500 000	31 000	20
7	50 млн. сўмдан - 100 млн. сўмгача	1 %	750 000	33 000	Якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни 1 марта (ўртача бир ойда 25 кун)
8	100 млн. сўмдан - 150 млн. сўмгача	0,75 %	1 000 000	44 000	
9	150 млн. сўмдан - 200 млн. сўмгача	0,66 %	1 100 000	48 000	
10	200 млн. сўмдан - 350 млн. сўмгача	0,55 %	1 200 000	53 000	
11	350 млн. сўмдан - 500 млн. сўмгача	0,34 %	1 400 000	62 000	
12	500 млн. сўмдан - 750 млн. сўмгача	0,28 %	1 600 000	72 000	
13	750 млн. сўмдан - 1 млрд. сўмгача	0,21 %	1 800 000	79 000	
14	1 млрд. сўмдан - 2 млрд. сўмгача	0,18 %	2 000 000	90 000	
15	2 млрд. сўмдан - 4 млрд. сўмгача	0,10 %	3 000 000	135 000	
16	4 млрд. сўмдан - 6 млрд. сўмгача	0,075 %	4 000 000	175 000	
17	6 млрд. сўмдан - 8 млрд. сўмгача	0,066 %	5 000 000	220 000	
18	8 млрд. сўмдан - 10 млрд. сўмгача	0,064 %	6 500 000	285 000	
19	10 млрд. сўмдан - 15 млрд. сўмгача	0,063 %	8 000 000	350 000	
20	15 млрд. сўмдан - 20 млрд. сўмгача	0,055 %	10 000 000	440 000	
21	20 млрд. сўмдан - 35 млрд. сўмгача	0,050 %	12 000 000	530 000	
22	35 млрд. сўмдан - 50 млрд. сўмгача	0,035 %	14 000 000	615 000	
23	50 млрд. сўмдан - 75 млрд. сўмгача	0,028 %	17 000 000	750 000	
24	75 млрд. сўмдан - 100 млрд. сўмгача	0,023 %	20 000 000	880 000	
25	100 млрд. сўмдан юқори	0,02 %	30 000 000	1 320 000	

Изоҳ: \* Фонд тарифи тўлови - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегили фондга қўйилган йўли билан аниқланади. Бунда ой давомида миқдорга бориладиган чекланган катновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.

**\*\* Катъий нарх тарифи тўлови (абонент тўлови)** - ой давомида инкассация орқали топирилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли катъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида миқсозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.

Миқсоз буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топирилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадвалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.

**\*\*\* Қатнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топирилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида миқсозга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадвалнинг 6-устунида) қўпайтириши йўли билан аниқланади.

Барча тарифларда дам олиши (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топирилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқсозга дам олиши (якшанба) ва байрам кунлари бориладиган қатновлар сонига қўпайтириши йўли билан аниқланади.

Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топирилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқсозга бориладиган қўшимча қатновлар сонига қўпайтириши йўли билан аниқланади.

**\*\*\*\* Бир ойлик чекланган қатновлар сони** - миқсоз томонидан ой давомида инкассация орқали топириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.

3.2. Кўрсатилган инкассация хизмати учун "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҚҚС билан тўловининг 3,500,000 ҳазиллик нақд тарифида амалга оширилади.

(Тўлаб олинган Тариф тури кўрсатилган)

3.3. Агар "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 3.2. бандидаги тўлаб олган тарифидан бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, у бу ҳақда "Инкассация хизмати"га кейинги ой бошланишидан 15 кун олдин ёзма равишда муросаят қилади.

3.4. Бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.5. Дам олиш ва байрам кунлари кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунида кўрсатилган тарифнинг 2 баробари миқдорда ҳисоб-китоб қилинади ва тўланади.

3.6. "Буюртмачи" кейинги ой учун 15 фоиз миқдорда бўнак (аванс) пули тўлаб беради. Бўнак (аванс) пули ўтган ойда кўрсатилган инкассация хизмати ҳақининг 15 фоизи миқдорда ҳисобланиб, бўнак (аванс) пули кўрсатилган хизматлар учун тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада акс эттирилади.

3.7. "Буюртмачи" "Инкассация хизмати" томонидан тақдим этилган тўлов талабномасини ва ҳисоб-фактурани олган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловини амалга оширади.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига асосан Республикада меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган вақтда хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади.

#### 4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

##### 4.1. "Инкассация хизмати":

4.1.1. Нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)лари бут сақланиши учун "Буюртмачи" олдидаги жавобгарлиги инкассаторлар пуллик инкассатор сумка (коп)ларини қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, "Банк" вакилига топширган пайтда тугайди.

4.1.2. Инкассатор сумкаси (коп) ва унга қўйилган пломба бут бўлган тақдирда "Инкассация хизмати" инкассатор сумкаси (коп) ичидаги пулнинг бутлиги учун "Буюртмачи" олдида моддий жавобгар бўлмайди.

4.1.3. "Инкассация хизмати" "Буюртмачи"нинг буюртмасини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун "Буюртмачи" томонидан "Инкассация хизмати"га ўтган ойда тўлаб берилган хизмат ҳақи суммасининг 0,4 фоизи ҳисобидан, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

##### 4.2. "Буюртмачи":

4.2.1. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун "Буюртмачи", "Инкассация хизмати" фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 фоизи ҳисобидан, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

##### 4.3. "Банк":

4.3.1. "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига инкассация хизмати орқали топширилган пул тушумини ўз вақтида тўлик ва тўғри ўтказилишига масъулдир.

4.3.2. Инкассатор сумка (коп)лари банк айби билан яроқсиз ҳолга келса ёки йўқотилган тақдирда банк "Буюртмачи"га инкассатор сумка (коп)лари юзяматини қўплаб беради.

**5. Форс - мажор ҳолатлари.**

5.1. Ҳеч бир тараф бошқа тарафлар олдидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч (ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва х.к.), ҳукуматнинг таъқиловчи қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан тадбирлар ўтказилган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган шартномага бўйича жавобгар эмас.

**6. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

**7. Бошқа шартлар.**

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган нақд пул тушумини йиғиш ва банк кассасига топшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли йуридикомаларида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

7.2. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.3. Агар Тарафлардан бири шартномани бекор қилиш истагини билдирса, у бу ҳақда 3 кун олдин ёзма равишда бошқа тарафларга маълум қилиши лозим.

7.4. Ушбу шартномага киритилиши мумкин бўлган барча ўзгариш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма мурожаатига асосан қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

7.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусxada тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

**8. Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.**

**"Инкассация хизмати"**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати ДУК  
Манзил: Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 19 уй.  
Х/Р: 2159 6000 1004 4799 4001  
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ  
Банк коди: 00014  
СТИР 201052396  
IFUT 82910  
Тел: 71 244-05-67, 244-01-43, 244-04-88.

**"Банк"**  
"ПРОТЕКА-БАНК" АТБ  
ЎМУСОБД ШИВАЛТИ  
Тел: МҲФ: 00007 ИНН: 202235380  
Х/Р: ТОШКЕНТ Ш. А. 15077-80  
Банк номи: 00001-51-07 ФАКС: 234-72-24  
Банк коди: 00837  
СТИР: \_\_\_\_\_

**"Буюртмачи"**  
Шоҳар Ҳамидов қисман сарф  
Тошкент ш. № Юнқасабўғуч  
Косиқово йў.  
Тел: (71) 235 1060 235 1192  
Х/Р: 23402000000100001010  
Банк номи: Ўзбекистон Республикаси ХККМ  
Банк коди: 00014  
СТИР: 201467828  
ККС тўловчи коди  
ШХР 401421860262087072252054001

Нозимов Ш  
(лавозими, Ф.И.Ш.)  
М.У.  
20 . . . . .

С. Раҳмонов  
(лавозими, Ф.И.Ш.)  
М.У.  
20 . . . . .

Башмишкор Муреджонов ХМ  
(лавозими, Ф.И.Ш.)  
М.У.  
20 . . . . .